

НАВОИЙШУНОСЛИК ВА ҚЎЛЁЗМА

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари доктори,
Тошкент амалий фанлар университети профессори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Аннотация: *Ҳозирга қадар буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий асарлари тўлиқ ҳолда кирилл ёзуви асосидаги эски ва латин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифболарида чоп этилди, яъни транскрипция қилинди. Аммо баъзан шундай муаммоли матний нуқталар ҳам учрайдики, бундай ҳолатларда мутахассиснинг, албатта, асл манба билан ишлашига тўғри келади. Навоийшуноснинг араб ёзуви асосидаги эски ўзбек алифбосини билмаслиги эса хато талқинларга сабаб бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Айнан шунинг учун ҳам ўзбек филологияси йўналишидаги факультетларда эски ўзбек тили, шунингдек, араб тили, ҳозиргача араб ёзуви асосидаги алифбодан фойдаланадиган форс тили ҳам ўқитилади. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини бекаму кўст тушунишда форс-тожик тилини билишнинг ҳам аҳамияти – катта. Маърузада муаллиф шу зояларни кўплаб матний мисоллар орқали исботлашига ҳаракат қилади.*

Таянч тушунчалар: *Навоий, ўзбек тили, форс-тожик тили, араб тили, транскрипция, арабий ҳарфлар, хато талқинлар, паронимлар, профессионализм.*

Аннотация: *До сегодняшнего дня произведения великого узбекского поэта и мыслителя Алишера Навои полностью изданы и в старом узбекском алфавите, основанном на кириллицу и новом узбекском алфавите, основанном на латынскую графику в виде транскрипции. Однако иногда встречаются такие проблемные текстовые места, специалисту приходится обязательно работать с первичным источником, то есть рукописью. Не знания навоиеведом арабской письменности может стать причиной многих ложных толкований текста поэта. Именно поэтому на факультетах узбекской филологии изучаются и староузбекский язык, и арабский язык, и персидский язык, в котором ползуется алфавит, основанный на арабскую графику. Знание персидского языка имеет большое значение в безошибочном понимании образцов узбекской классической литературы. В докладе автор постарается доказать эти тезисы на основе многочисленных текстовых примерах.*

Ключевые слова: *Навои, узбекский язык, арабский язык, персидско-таджикский язык, транскрипция, арабские буквы, ложные толкования, паронимы, профессионализм.*

Annotation: *To this day, the works of the great Uzbek poet and thinker Alisher Navoi have been fully published in the old Uzbek alphabet based on Cyrillic and the new Uzbek alphabet based on Latin in the form of transcription. However, sometimes*

there are such problematic text points, the specialist must necessarily work with the primary source, that is, the manuscript. Lack of knowledge of the ancient Arabic script can cause a false interpretation of the poet's text. That is why the faculties of Uzbek philology study both the Old Uzbek language, the Arabic language, and the Persian language, which uses an alphabet based on Arabic graphics. Knowledge of the Persian language is of great importance in an unmistakable understanding of the samples of Uzbek classical literature. In the report, the author will try to prove these ideas with numerous textual examples.

Keywords: *Navoi, Uzbek language, Arabic, Persian-Tajik language, transcription, Arabic letters, false interpretations, paronyms, professionalism.*

Юртимизда аср-асрлар туркий, форсий ва арабий тил ҳукм сурган. Мамлакатимиз ҳудудидаги эпитафик битиклар ҳам айнан ўзбек, тожик ва араб тилида ёзилган. Ўзбек ва тожик тилида ижод қилганлар жуда кўп бўлган, аммо ўзбек, тожик ва араб тилларида шеърлар битганлар ҳам бўлган. Масалан, шайбонийлар сулоласининг йирик вакили, Бухоро хони Убадуллоҳхон(Убайдий)нинг уч тилдаги шеърий мероси бизгача етиб келган¹.

Ўзбек мумтоз адабиётининг XI асрдаги Юсуф Хос Ҳожиб қаламига мансуб “Қутадғу билиг” достонию Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғот ит-турк” асаридаги шеърий парчалардан тортиб то 1929 йилга қадар яратилган намуналари араб ёзуви асосидаги эски ўзбек алифбосида битилган.

Ана шу улкан мерос орасида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий асарлари алоҳида ва хос ўрин тутди. Ҳозирга қадар унинг асарлари тўлиқ ҳолда кирилл ёзуви асосидаги эски ва латин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифболарида чоп этилди. Бунда араб ёзуви асосидаги ўрта асрлар ўзбек алифбосида битилган қўлёзмалар матнлари транскрипция қилинди.

Аммо баъзан шундай муаммоли нуқталар ҳам учрайдики, бундай ҳолатларда мутахассиснинг, албатта, асл манба билан ишлашига тўғри келади. Навоийшуноснинг араб ёзуви асосидаги эски ўзбек алифбосини билмаслиги эса хато талқинларга сабаб бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Айнан шунинг учун ҳам ўзбек филологияси йўналишидаги факультетларда эски ўзбек тили, шунингдек, араб тили, ҳозиргача араб ёзуви асосидаги алифбодан фойдаланадиган форс тили ҳам ўқитилади. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини бекаму кўст тушунишда форс-тожик тилини билишнинг ҳам аҳамияти – катта.

Бироқ очик тан олиб айтиш – керакки, мумтоз адабиётимиз тарихи тадқиқи билан шуғулланадиганларнинг кўпчилиги араб ёзувини етарли даражада

¹Бу ҳақда қаранг: *Абдуллаев М. Ҳ.* Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. – Филол. ф. н. ... диссертация. – Тошкент: Нашриётсиз, 2000. – Б. 34 – 63.

билмайди. Бу эса кирилл ёки латин ёзуви асосидаги матнни талқин этишда хатоликларга йўл қўйиш хавфини пайдо қилади.

Фикримизни мисоллар орқали исботлашга ҳаракат қиламиз.

Шоирнинг машҳурдан-машҳур мана бу рубойисини кирилл ёзувчи асосидаги алифбода ўқиймиз:

*Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники, севмак ондин ортуқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз².*

Рубойидаги бош сўз – “умр”. Бугунги ўзбек тилида “умр” – кишига бир боргина тақдим этиладиган неъмат, яъни унинг бу дунёдаги яшаш даври.

Мусулмон Шарки, жумладан, ўзбек мумтоз шеъриятида ишқ – энг асосий тасвир объекти. Ишқий мавзуда кўп рубойлар ҳам ёзилган. Оддий ўқувчи бу шеърни мутолаа қилиб, уни, *умри лирик қаҳрамон учун азиз бўлган ёрга бағишланган*, деб тушуниши ҳеч гап эмас. Бунга икки жиҳат сабаб ёки асос бўлади. Биринчиси – биз “умр” сўзини, аввало, “*бирор кишининг яшаган йиллари*” маъносида тушунамиз. Иккинчиси – лирик қаҳрамон “*эй умри азиз*” деб ундалма билан мурожаат қиляпти. Демак, ундалинаётган шахс ёр бўлиши – мумкин.

Лекин араб тилида “умр” бизда фаол бўлган кенг маънодаги “*ҳаёт*” маъносини ҳам англатади. Бунда бирор кишининг яшаган йиллари эмас, умуман, ҳаёт кўзда тутилади. Унда лирик қаҳрамон ёрга эмас, айнан ҳаётга: “*Эй азиз ҳаёт!*” – деб мурожаат қиляпти.

Кўриниб турибдики, рубойидан икки бир-бирига қарама-қарши маъно-мазмун келиб чиқяпти. Хўш, қайси бири – тўғри? Шоир булардан қай бирини кўзда тутган?

Бу нозик масалани кирилл ёки латин ёзуви асосидаги алифболаримизда ифодаланган матн асосида ҳеч ҳам ҳал қилиб бўлмайди. Мутахассис олдида шундай вазифа қўндаланг бўлса, албатта, у – қўлёзмани кўришга мажбур. Бунда форс-тожик тилини билиш ҳам талаб этилади. Чунки агар шоир “*мен учун умри азиз бўлган ёр*” демоқчи бўлса, “*умри азиз*” сўзлари араб ёзуви асосидаги эски ўзбек алифбосида “*عمرى عزيز*” тарзида, яъни “умр” сўзига “ё” (“*ى*”) ҳарфини қўшиш орқали битилади. Чунки ўзбек тилидаги эгалик қўшимчаси бўлмиш “*и*” ёзувда, албатта, акс этиши – керак. Мабодо, “*умри азиз*” бирикмаси “*азиз умр*” маъносида форсий изофа билан келган бўлса, “*и*” изофаси ёзилмайди, яъни бу сўзлар қўлёзмада “*عمر عزيز*” шаклида ифодаланади.

Биз қўлёзмани кўрганимизда, рубойида бу бирикма айнан ана шу форсий изофа билан келгани аниқлашди. Демак, рубойи лирик қаҳрамон учун умри азиз бўлган ёрга эмас, айнан ҳаётга мурожаат тарзида битилган.

²Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 572.

Рубойий мазмуни ношоён қолмаслиги учун сатрлардаги маъно-мазмунни айтиб ўтишга тўғри келади. Бу эса мазкур шеър, чиндан ҳам, азиз ҳаёт таърифига бағишланганини яна бир қарра исботлаган ҳам бўлади.

Лирик қаҳрамон азиз ҳаётни жонидан ҳам ортиқ севади (1-мисра). Жон нима бўлибди?! Борди-ю, ҳаётга меҳр-муҳаббат миқдорини ўлчаш учун сон ишлатиладиган бўлса, унинг бу ишқини ҳисоблашга сон етишмайди, у ҳаётни сондан ҳам кўпроқ севади (2-мисра). *Бирон нарсани севишининг бундан ортиқ даражаси бўлмаса, эй азиз ҳаёт, мен ана ўшандан ҳам зиёд яхши кўраман сени*, дейди шоир (3 – 4-мисралар).

Бу рубойий мазмунан шоирнинг “Сабъайи сайёр” достонидаги:

*Хушдурур боғи коинот гули,
Борчадин яхшироқ – ҳаёт гули³, –*

байтига яқин келади ва у Навоий ҳаётсеварлигининг олий бир ифодаси янглиғ жаранглайди. Шунинг учун бу рубойийни паст оҳангларда ўқишнинг иложи – йўқ.

Модомики, биз бу ерда кўлёзма билан алоқадор масалани муҳокама этаётган эканмиз, бу рубойийнинг Алишер Навоий “Мукаммал асарлар тўплами”даги вариантыда йўл яна бир ўта жиддий бир хатони ҳам қайд этишга тўғри келади.

Маълумки, “*алиф*” (“*l*”) ҳарфи ўзбек алифбосида ўрни билан “*а*”, баъзан эса “*о*” товушини ифодалайди. Фақат “*о*” кўзда тутилган бўлса, “*алиф*” устига “*мад*” қўйиш орқали “*l*” тарзида битилади. Ҳозирги “*ундан*” маъносидаги “*ондин*” сўзи вазн, қофия ёки ички оҳангдошлик талаби билан баъзан “*ондин*” тарзида битилади. Навоий асарлари кўлёзмаларида котибларнинг дангасалиги ёхуд эътиборсизлиги орқали баъзан “*мад*” қўймай кетилган бўлиши ҳам – мумкин. Бироқ бундай ўринларда мутахассис матннинг шаклий-поэтик моҳиятидан келиб чиқиб иш тутиши – шарт.

Таҳлил этилаётган рубойий 1-, 2- ва 3-сатрларининг ҳар бири 7 сўздан ташкил топган. Шундан 6 таси радиф таркибида такрорланиб келади (“*сени кўп севармен, эй умри азиз*”). Бу мисраларнинг фақат биринчи сўзларигина – қофия: “*жондин*” – “*сондин*” – “*ондин*”.

Афсуски, нашрда 4-мисрадаги “*ондин*” сўзи фаросатсизларча “*андин*” тарзида битилгани учун рубойида қофия йўқолиб қолган. Боз устига, 3-сатрдаги “*ондин*” сўзи ҳам “*андин*” тарзида ифодаланган. Ҳолбуки, бу ҳам қофиядаги сўзлар билан ички оҳангдошликни юзага келтиришга хизмат қилиб турган эди.

Кўлёзма билан ишлаш – “Хамса”нинг “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Сабъайи сайёр” ва “Садди Искандарий” дostonларини тўғри ўқиш ва тушуниш учун ҳам – жуда зарур. Чунки уларнинг кирилл ва лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифболарида босилган нашрлари асосида айрим сўзларнинг айнан қайси маънода келганини аниқлашнинг асло имкони бўлмайди. Бу, асосан,

³Алишер Навоий. Хамса. – Тошкент: ЎзССР Фанлар академияси, 1958. – Б. 1088. Бундан сўнг шу нашрдан олинган парчаларнинг саҳифасигина келтирилади.

араб тилидаги икки ва баъзан ундан ортиқ товуш учун бизда битта ҳарф қўлланишидан келиб чиқади. Гап шундаки, араб тилида бир-бирига яқин, лекин ўзаро фарқ қилувчи бу товушларнинг айримлари – бизнинг тилимизда, умуман, йўқ. Шунинг учун биз уларнинг барчаси учун битта, яъни шунга яқинроқ ҳарф қўллашга мажбурмиз. Масалан, кирилл ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифболарида араб тилидаги “ث”, “س” ва “ص” товушларининг учаласини битта “с” (ёки “s”) билан ифодалаймиз. Худди шунингдек, “ز”, “ظ” ва “ض” ҳарфларини ҳам битта “з”, “ح” ҳамда “ه” ҳарфларини ҳам битта “ҳ” (ёки “h”) билан ёзамиз. Ёки араб тилидаги “ع” учун ҳам, “ل” учун ҳам баъзан битта “а”ни ишлатамиз.

Оқибат нима бўлади? Араб тилида пароним, яъни талаффузи, эшитилиши, оҳанги бир-бирига ўхшаш, аммо айрим товуш(ҳарф)лардагина фарқ қилувчи (масалан, ўзбек тилидаги “афзал” – “абзал”; “тариф” – “таъриф”; “энлик” – “эллик” ва ҳоказо каби) сўзлар ўзбек тилида омонимга айланиб қолади. Ўзбек ўқувчиси она тилдаги “от” (“исм”, “ҳайвон тури”, “отмоқ” феълининг биринчи шахс бирликдаги буйруқ майли), “ўт” (“олов”, “ўсимлик”, “ўтмоқ” феълининг биринчи шахс бирликдаги буйруқ майли) омонимлари муайян маъноларини тагматн(контекст)дан билиб олаверади. Аммо “ота” маъносидаги “ато” араб ёзуви асосидаги эски ўзбек алифбосида “آل”, “бағишлаш”, “ҳадя бериш”, “мурувват қилиш” маъносидаги “عطا” сўзи ҳам “ато” тарзида битилади. Шунингдек, “она” маъносидаги “ال” ҳам, “машаққат”, “қийинчилик”, “азоб”, “уқубат” маъносидаги – “عنا” ҳам “ано”, асли форсча-тожикча бўлган “йўл” маъносидаги “ل” ҳам, асли арабча бўлган “шодлик” ва мажозан “май” маъносидаги “راح” ҳам “роҳ” тарзида ёзилади.

Ҳатто, араб тилининг ўзида омоним бўлган сўзлар Навоий асарларида ишлатилса, унинг маънодош эканини бугунги ўзбек ўқувчиси асло англай олмайди. Сўзсиз, бунда мутахассиснинг ёрдами керак бўлади. Масалан, “баён”, “маълумот”, “зорланиш”, “ёлвориш” маъносидаги “арз” ҳам, “эн”, “кенглик” маъносидаги “арз” ҳам арабчада бир хил, яъни “عرض” тарзида битилади. Яна арабчада “Ер”, “Ер юзи” маъносидаги “Арз” сўзи ҳам – бор. Бироқ у “алиф” билан “ارض” тарзида ифодаланади. Биз бу уч сўзни ҳам бир хил қилиб, “арз” тарзида ёзамиз⁴.

Демак, қўлёзмадан беҳабар мутахассис Навоийнинг кирилл ёки лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифболарида босилган нашрларини ўқиб, бундай нозик фарқларни аниқлаштира олмайди.

Нима қилмоқ – керак?

Табиийки, навоийшунос, зарурат туғилганида, қўлёзмалар билан ишлай олиш салоҳиятига эга бўлмоғи – лозим.

“Хамса”нинг илмий-танқидий матнини яратган Порсо Шамсиев бу бешликнинг кирилл ёзуви асосидаги алифбомиздаги нашрини тайёрлар экан,

⁴Келтирилган бу сўзлар ва уларнинг араб ёзуви асосидаги эски ўзбек алифбосида ифодаланиши ҳақида қаранг: Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972.

шундай паронимларни қавс ичида арабий ҳарфлар билан ифодалаш йўлини тутган.

Масала муҳим бўлгани ва илмда илк бор бу тарзда кўтарилаётгани учун уларни бир-бир келтириб ўтишга тўғри келади.

“Ҳайрат ул-аброр”да:

1. Арз (ارض) у фалак йўқидину боридин,
Борчанинг ихфосию изҳоридин (17).
2. Айламагинг афви хато, бас, қани?
Баҳри карам бирла ато (عط), бас, қани? (22).
3. “Ҳо” (“ح”)и муҳаббат анга-ўқдур насиб, –
Ким ани Ҳақ деди ўзига “ҳабиб” (24).
4. Аҳлию авлодию атбоиға,
Олию аҳфодию ашъёиға (اشياء عيغا) (31).
5. Чунки бу ҳайрат аро ранжу ано (عنا),
Фоний этиб хожани, балким фано (70).
6. Кундуз ўкуш ранж ила муздурлуқ,
Кулбага бермак кеча маъмурлуқ (معمور لوق) (128).
7. Из (عز) тиласанг, айла қаноат тамаъ,
Маснади иззат узадур “ман қанаъ” (130).
8. Ҳар киши ҳамким, бу гуҳар бор анга,
Ранжу ано (عنا) доим эрур ёр анга (133).
9. Қилса бало захмлари чораси,
Бутса ано (عنا) ўқларининг ёраси (147).
10. Маҳри муажжал (معجل) бу дам ар жон бўлуб,
Тонгла муажжал (موجل) анга иймон бўлуб (188).
11. Меҳри муажжал (معجل) тилабон жон олиб,
Сўнгра муажжал (موجل) тилаб, иймон олиб (188).

“Фарҳод ва Ширин” достонида:

1. Кетур илгимга доғи жоми тавфиқ,
Етур кўнглумга доғи роҳ (رح)и таҳриқ (275).

2. Сўзум роҳ(ح^ل)ин қилиб равшан сафодин,
Шафоат жоми еткур Мустафодин (275).

3. Ки чун шаҳ қилди Мулкорони маъмур (مامور),
Биолар мулкдин қилмоқда маъмур (معمور) (326).

“Сабъайи сайёр” достонида:

Субҳ ринди чу қилди майли сабуҳ,
Роҳ(ح^ل)и меҳр анга тоза айлади руҳ (1071).

“Садди Искандарий” достонида:

1. Ато(ع^ط)си қилиб баҳру конга жафо,
Анга баҳру кон доғи қилмай вафо (1247).

2. Қилиб ар бирин лутфдин баҳраманд,
Ато (ع^ط) бирла таъзимидин аржуманд (1394).

Бу мисолларнинг барида пароним сўзлар ишлатилгани учун ўқувчилар чалғимаслиги кўзда тутилган ва қавсда арабий шакл берилган. Шундай қилинмаган нашрлар билан ишлашда навоийшунос сўзларнинг маъноси ва байт мазмунини қўлёзмалар билан солиштириш асосидагина аниқлашга мажбур бўлади.

Навоийшуноснинг қўлёзмалар билан ишлашга тўғри келадиган жиҳатлар шулардангина иборат эмас. Шоир ўз асарларида ҳарфий санъатлардан ҳам маҳорат билан фойдаланади. Улар – шундайки, муаллиф араб алифбосидаги ҳарфларнинг шаклидан келиб чиққан ҳолда бадий ифодалар қўллайди.

Шоирнинг мана бу рубойисини араб ёзувидан, яъни қўлёзмалардан беҳабар мутахассис мутлақо тушунмайди:

“Жон”имдаги “жсим” – икки “дол”ингга фидо,
Ондин сўнг “алиф” – тоза ниҳолингга фидо.
“Нун”и – дағи анбарин Ҳилолингга фидо,
Қолган ики нуқта – икки холингга фидо⁵.

Чунки бу ерда лирик қаҳрамон ёрга мурожаат қилиб, “жон” деганда унинг “جان” тарзида битилишидаги ҳарфлардан келиб чиқиб бадий тафаккур қилади. Бу сўзнинг биринчи ҳарфи – “жсим”. У – арабийда “ج” тарзидаги кўринишга эга. Уни шоир иккита “дол”га ўхшатади. “Дол” эса “د” шаклида бўлади.

⁵Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 563.

Чиндан ҳам, бир қарашда “жим” иккита долни бирлаштирганга ўхшайди. Лекин шеърда “дол” истиора бўлиб келган. Бу истиора эса ёрнинг икки гажжагини билдиради. 2-сатрда сўз ўртасида келган “алиф” (“ل”) истиоравий йўсинда ёрнинг тоза ниҳол каби тик қоматини англатиб келган. 3-мисрада “нун” (“ن”) ёрнинг анбар хидли Ҳилоли, яъни янги чиққан Ой каби қошига ишора қилинган. 4-қаторда эса “جان” сўзидаги “ج”нинг остида ва “ن”нинг устида келган икки нуқта ёрнинг икки холига фидо экани айтилади.

Қўлёзмалар билан ишлай олмайдиган мутахассис “Сабъайи сайёр”даги:

*Кўз (كوز) уза нуқта қўймай, айлаб зўр,
Мардуми бўлмагондек айласа кўр (كور) (1192).*

*Ғайб (غيب)дин нуқтае йўнуб амдо,
Хатт аро айб (عيب) айласа пайдо (1192).*

Мазкур байтларда шоир пароним сўзларни қўллаган: “кўр” – “кўз”; “ғайб” – “айб”. Аммо бу ерда бутун дарди пул топишдан иборат бўлган саводсиз хаттотлар танқид қилиняпти. Буни булардан олдинги байтлардан билиб оламиз:

*Яна котибки, тез этиб хома,
Истагай нақш қилса бу нома.*

*Неки мен ёздим, уйла сурса қалам,
Не рақам қилдим, они қилса рақам.*

*Байтларда тахаллуф айламаса,
Лафзларда тасарруф айламаса.*

*Оқ ўлуб анга номайи аъмол,
Тушсун илгига хомайи иқбол.*

*Кимки, ёзмоққа музд қилди ҳавас,
Борча мақсуди музд бўлса-ю, бас.*

*Қора пул узра можаро қилса,
Юзидек сафҳани қаро қилса (1192).*

Бир нуқтани ташлаб кетиш билан “кўз” сўзини “кўр”, “ғайб” калимасини эса “айб” деб ёзган бундай хаттотларни шоир дуойи бад қилади:

*Хомасига кўзи мидод ўлсун,
Ул қародин анга савод ўлсун.*

*Тили шақ бўлсун, уйлаким, хома,
Орази тийра, уйлаким, нома (1192).*

Демак, бундайларнинг қалами кўзига қора ранг тортсин, улар бундан савод (хулоса ҳам) чиқарсин, тили қалам учи каби ўртасидан кесилсин, юзи ёзилган хат каби қора бўлсин, дейди шоир.

Айрим арабча сўзларда бир товуш икки бор такрорланади: “*дурр*”, “*хатт*”, “*сурр*” ва ҳоказо. Ҳолбуки, туркий тилларда бир бўғинда икки ундош деярли учрамайди. Фақат “*тинч*”, “*қўнж*”, “*севинч*”. “*қувонч*”, “*тўрт*”, “*мўрт*”, “*мурч*” каби жами 25 – 30 тача туркий сўздагина бир бўғинда икки ундош келади, холос. Шунинг учун тилимизда одатда “*дурр*”, “*хатт*”, “*сурр*” каби сўзларни охириги ундошини тушириб қолдирган тарзда қўллайвераимиз. Лекин Навоий шеърда, вазн тақозосига кўра, уларни соф арабий шаклда, яъни икки ундош билан ишлатаверади. Нопрофессионал мутахассис нашрда бу сўзлар охиридаги ундошнинг биттасини қисартириб ёзади ва оқибатда вазн бузилади. Ҳатто, “Хамса”нинг 1958 йилги нашрида ҳам шундай хатога йўл қўйилиб, юқорида келтирилган бир байт:

*Ғайб(غيب)дин нуқтае йўнуб амдо,
Хат аро айб (عيب) айласа пайдо (1192), –*

тарзида хато битилган. Бундаги “*хатт*” сўзининг битта “*т*” билан ёзилиши байтда вазннинг бузилишига олиб келган. Бундай ҳолатда ўқувчи ноширнинг хатосини Навоийга тўнкаши ҳеч гап эмас. Ҳолбуки, Навоий вазний сакталиikka йўл қўймаган эди.

Улуғ шоирнинг бу “қарғиш”и – кўлёзма билан ишлашни билмайдиган навоийшуносларга ҳам бирдай тегишли. Чунки биз келтирган каби мисоллар таҳлилида мутахассис ё адашади, ё айнан тиши ўтмагани учун бу нуқталарни кўриб, кўрмасликка олиб ўтиш йўлини тутишга мажбур бўлади.

Таклиф сифатида қуйидагиларни баён этамиз:

биринчидан, олий таълим муассасаларининг ўзбек филологияси ўқитиладиган факультетларида араб ёзуви асосидаги эски ўзбек алифбосини янада пухтароқ ўргатиш;

иккинчидан, Навоий асарларининг бундан кейинги оммавий нашрларининг ҳаволаларида ҳам шундай пароним сўзлар қўллангани айтилиб, уларнинг матндаги маъносини изоҳлаб кетиш усулидан фойдаланишни йўлга қўйиш;

учинчидан, ўзбек адабиёти тарихи мутахассислари ислом Шарқи мумтоз сўз санъатининг ўзига хос поэтик хусусиятларидан яхши бохабар бўлиши;

тўртинчидан, навоийшунос форс-тожик тилини яхши билиши;

бешинчидан, навоийшунос, имкони бўлса, араб тилини билиши, ҳеч курса, бу лисоннинг энг муҳим хусусиятларидан бохабар бўлиши – зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев М. Ҳ. Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. – Филол. ф. н. ... диссертация. – Тошкент: Нашриётсиз, 2000.
2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. – Тошкент: Фан, 1988.
3. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972.
4. Алишер Навоий. Хамса. – Тошкент: ЎзССР Фанлар академияси, 1958.